



Тасдиқланган

Приказ №872/21 от 14.10.2021

**Бизнес-  
ҳамкорлар  
ҳаракатларининг  
этика Кодекси**

Тошкент 2021 й.

*Ушбу Бизнес-ҳамкорлар ҳаракатларининг этика Кодекси туб асосий талабларни ва мажбуриятларни белгилаб беради. «Unitel» МЧЖ Комплаенс-дастурга ўзгартиришлар киритилганда, талабларни оқилона доирада ўзгартириш ҳуқуқини ўзида қолдиради.*

### **Бизнинг Бизнес-ҳамкорларимиз**

VEON компаниялари гуруҳи энг яхши таминоат тизимини жорий қилишга интилади. Биз бизнесимиз таваккалчиликларининг пасайишига кўмаклашувчи, барча қўллана оладиган қонунларга риоя қилувчи, энг юксак этика стандартларига риоя қилувчи, миждозларимиз учун реал қўшимча қийматни яратувчи ва, камида, VEON компаниялар гуруҳининг Бизнес-ҳамкорлари ҳаракатларининг этика Кодекси (қуйида – «Кодекс»)<sup>1</sup> билан белгиланган талабларга мос бўлган сотувчиларимиз, етказиб берувчиларимиз, агентларимиз, пудратчиларимиз, воситачиларимиз, реселлерларимиз, дистрибьюторларимиз, четдаги хизматлар провайдерлари ва бошқа бизнес-ҳамкорларимиз (биргаликда «Бизнес-ҳамкорлар» деб номланади) билан ўзаро муносабатларимизни қадрлаймиз.

### **Қўлланиш соҳаси**

Ушбу Кодекс таъсири Бизнес-ҳамкорларга, ҳамда уларнинг лицензияланган/рўйхатга олинган реселлерлари сифатида иш юритувчи ва уларнинг маҳсулотини ва хизматларини Компанияга ва унинг шўба жамиятларига сотувчи шўба ва тобе жамиятларига, субпудратчилари ва агентларига тааллуқли бўлади. Биз Бизнес-ҳамкорлар ўз ҳамкорларидан ушбу Кодекс тамойилларини тегишли даражада тан олишни талаб қилишини таъкидлаймиз.

### **Умумий тамойиллар**

Ижтимоий масъул компания сифатида иш юритиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ва ҳулқ этикаси ва касбий фаолиятнинг энг юксак стандартларига риоя этиб, Unitel узоқ муддатли истиқболда бизнес кўрсаткичларини яхшилайти. Биз бу тамойилларига тўлиқ риоя қиламиз ва Бизнес-ҳамкорларимиздан улар ҳам риоя этиши, ва ушбу Кодексда баён этилган мажбуриятларини бажаришини талаб қиламиз. Ушбу Кодекс ахборот ва телекоммуникацион технологиялар соҳасининг илғор амалиётини, жумладан Электрон саноатнинг ижтимоий масъулият Коалициясининг этика Кодекси (Electronic Industry Citizen Coalition Code of Conduct), Таъминоат тизимлари барқарорлигининг биргаликдаги аудити Қўлланмаси (Joint Audit Cooperation Supply Chain Sustainability Guidelines), ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари каби халқаро ҳуқуқ манбалари, бошқа қонунчилик ва меъёрий талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

### **Этикага мос ҳаракатлар**

Этикага мос хатти-ҳаракатлар биздан нафақат қонун-қоидаларга риоя этиш балки тўғри қорорлар қабул қилишни англатади. VEON гуруҳининг компаниялари, жумладан Unitel ҳам, этик тамойилларга бўйсунган ҳолда ўз бизнес ҳамкорларидан ушбу тамойилларга риоя этишни кутиб қолади. Бошқа сўз билан айтганда ростгўйлик ва ҳалоллик муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу Кодексда кўрсатилган талаблар бизнинг бизнес ҳамкорларимиз учун минимал стандартлар ҳисобланади. Агарда маҳаллий қонунчилик ушбу Кодексда кўрсатилган талаблардан юқори бўлса биз бизнес ҳамкорларимизга маҳаллий қонун-қоидаларга бўйсунушга чақирамиз.

Ушбу Кодекс талабларига риоя этмаган бизнес-ҳамкорлар биз томондан ижобий бўлмаган тавсиялар олишлари мумкин ва айрим ёки барча ҳамкорликлардан четлатилишлари мумкин.

---

<sup>1</sup>Ушбу ҳужжатда Бизнес-ҳамкорлар ҳаракатларининг этика Кодекси «Кодекс» деб номланади. VEON гуруҳи компанияларининг ҳаракатлари Кодекси алоҳида ҳужжат бўлиб, уни қуйидаги веб-сайтда кўриш мумкин: <https://beeline.uz/uz/about/compliance>

**Ишдаги ҳалоллик**

Биз иш юритишда ҳалолликнинг сўзсиз қимматлилигини, ва унинг бизнесимиз учун ҳам қисқа, ҳам узоқ муддатли истиқболда аҳамиятини тан оламиз. Бу фақатгина қуруқ сўз эмас. Бу бизнинг қадриятларимиз. Ҳалоллик ва иш этикаси муҳим бўлади. Агар сиз ҳар қандай вазиятда тўғри иш тутсангиз, бу доимо қадрланади. Бизнес-ҳамкорларимиз билан бирга, биз тижорат фаолиятимизнинг самарадорлигини ошириш ва ушбу Кодексга риоя қилиш юзасидан доимий ишлаймиз.

**Жаҳон етакчиси**

Unitel янги рақамли иқтисодиётнинг жаҳон етакчиси бўлишни мақсад қилиб қўяди, ва биз бунга тўғри йўл билан эришмоқчимиз. Ҳалоллик – маданиятимизнинг тамал тошидир. Қадриятларимиз ва ҳалоллик борасида етакчи сифатида эътиборга сазовор бўлиш – Unitel таркибига кирган VEON Компаниялари Гуруҳининг обрўсини шакллантирувчи энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучидир, ва муваффақиятимизнинг асосидир. Бизнес-ҳамкорларнинг иш юритиши Unitel обрўсига таъсир этади. Агар Бизнес-ҳамкор Кодекс стандартларига риоя этмаса, у бўлғуси буюртмаларни жойлаштиришда Unitel учун афзал контрагент бўлмайди, у билан мавжуд иш муносабатлари эса қисман ёки тўлиқ тугатилиши мумкин.

**Эришган даражасида тўхтаб қолмаслик**

Кодексда баён этилган муайян талаблар Бизнес-ҳамкорлар учун минимал стандартлардир. Биз Бизнес-ҳамкорларга, ҳатто агар улар амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бўлмаса ҳам, янада юқорироқ стандартларга риоя қилишни тавсия қиламиз.

**Лозим даражада текшириш**

Бизнес-ҳамкорларни танлашда Unitel мавжуд таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда, керакли ҳажмида текширишни ўтказишди. Барча Бизнес-ҳамкорлар шартнома тузилишигача коррупцияга қарши текширишдан ўтади. Бизнес-ҳамкорлардан текширишни ўтказишда Unitel га кўмаклашиш, барча анкеталарни тўлиқ тўлдириш, сўралаётган ҳужжатларни ва мулкдорлари ва аффилиланган шахслари тўғрисида шаффоф маълумотни ўз вақтида тақдим этиш талаб этилади.

**Қонунларга ва қонун ости меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш**

VEON компаниялар гуруҳи NASDAQ<sup>2</sup> рўйхатига киритилган АҚШ да, ва VEON нинг бош офиси жойлашган ва VEON биржа рўйхатларига эга бўлган Нидерландларда амал қилувчи порахўрликка қарши кураш ҳақидаги қонунларга риоя қилишдан иборат. VEON гуруҳининг бирорта компанияси ҳам, Бизнес-ҳамкорлар ҳам этикага зид бўлган оқибатларга ёки қўлланадиган қонунларнинг бузилишига олиб келадиган бирор-бир фаолият билан шуғулланмайди ва бунга олиб келадиган ҳеч қандай таваккалчиликларни ўз зиммасига олмайди.

Бизнес-ҳамкорлар ўзи ишлайдиган давлатларнинг барча қўлланадиган қонунлари, қонун ости меъёрий ҳужжатлари ва стандартларига риоя этиши шарт. Агар қўлланадиган қонунчилик ва Кодекс айти бир масалани тартибга солса ва бир-бирига зид бўлмаса, қатъийроқ стандарт қўлланади. Агар Кодекснинг бирор-бир талаби қўлланадиган қонунларнинг меъёрларига зид бўлса, қўлланадиган қонунларга зид бўлмаган энг қатъий стандартлар қўлланади.

<sup>2</sup> VEON Ltd. компанияси NASDAQ ва Euronext Amsterdam биржа рўйхатига «VEON» белгиси остида киритилган.

## **Порахўрлик ва коррупция**

Биз тўғридан-тўғри буни ифода этамиз: Unitel ҳар қандай шаклда коррупция ва порахўрликка қарши чиқади.

Unitel коррупция, порахўрлик, тижоратда пул эвазига оғдириш, товламачилик, талон-торож қилиш, ўғирлик ва маблағни беҳуда сарфлашни қатъий тақиқлайди. Бизнес-ҳамкорлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида барча қўлланадиган қонунларга риоя қилиши, улар амалга оширадиган битимларни акс эттирадиган ва ёлғон ёки адаштирувчи маълумотни ўз ичига олмаган тегишлича ҳисобни юритиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар Unitel учун ноқонуний афзалликларга эга бўлиш учун, бирор шахсдан бевосита ёки билвосита бошқа шахс орқали пул маблағлари ёки бошқа қийматликларни бермаслик, таклиф этмаслик, талаб қилмаслик ва қабул қилишга рози бўлмаслик мажбуриятини зиммасига олади.

Бизнес-ҳамкорлардан, улар ноқонуний ҳаракатларни ва эҳтимолий қонун бузилишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўз комплаенс-дастурларини жорий қилиши ва қўлаб-қувватлаши кутилади.

## **Совғалар ва вакиллик харажатлари**

Бизнес-ҳамкорлар шунингдек Unitel ходимларига ёки вакилларига уларга таъсир ўтказиш мақсадида совғаларни таклиф қилмаслик, вакиллик тадбирларини ташкил этмаслик ва бевосита ёки билвосита бошқа фойдаларни бермаслик, ҳамда музокаралар, танлов таомилини ўтказиш ёки танлов ғолиби билан шартнома тузиш давомида Unitel ходимларига қийматидан қатъи назар бирор-бир совғаларни таклиф қилмаслик, вакиллик тадбирларини ташкил этмаслик мажбуриятини зиммасига олади.

## **Махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоялаш**

Бизнес-ҳамкорлар Unitel нинг мижозлари, Unitel нинг хўжалик фаолияти, унинг контрактлари, лойиҳалари, молиявий ҳолати ёки кўрсаткичларига тегишли бўлган барча маълумот бўйича махфийликка риоя қилиши шарт, агар бевосита Unitel томонидан бошқача тартиби келишиб олинмаган бўлса. Бизнес-ҳамкорлар ўзи билан иш юритаётган шахсларнинг шахсий маълумотни ҳимоялаш борасидаги кутган оқилона талабларига мос бўлиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар шахсий маълумотни йиғиш, ишлов бериш ва узатиш билан боғлиқ ахборотнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги юзасидан қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларга риоя қилиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар мижозларнинг шахсий маълумотларини хавфсиз сақлашни ва уларнинг ошкор этилиши имконини истисно этишни таъминлаши шарт. Бизнес-ҳамкорлар ахборотни тегишлича ҳимоялашни, маълумот хавфсизлиги тизимларининг ишончилигини, ва Unitel ва мижозларнинг шахсий маълумотлари билан ишлайдиган ўз ходимларининг ҳаракатлари устидан тегишлича назоратни таъминлаши шарт.

## **Рақобатни чеклайдиган ҳаракатлар**

Бизнес-ҳамкорлар рақобатни ҳимоялашга оид қонунчиликни ва монополияга қарши талабларни бузмаслик, ҳамда уларни бузиш мақсадида аввалдан келишувга киришмаслик мажбуриятини зиммасига олади. Бизнес-ҳамкорлар бизнесни ҳалол юритиш, реклама ва рақобат стандартларига мос фаолият юритиши шарт.

## **Манфаатлар низоси**

Бизнес-ҳамкорлар Unitel га тегишли бўлиши мумкин бўлган амалдаги, эҳтимолий ёки кўзда тутилаётган манфаатлар низолари ҳақида Unitel га билдириши шарт. «Манфаатлар низоси» улар туфайли томон ўзининг молиявий ёки шахсий манфаатларини ўз мажбуриятларидан юқорироқ қўйиши мумкин бўлган, ёки улар туфайли бундай томоннинг фикрлари, қарорлари ёки ҳаракатлари холис бўлмаслиги мумкин бўлган фактик, эҳтимолий ёки кўзда тутилаётган ҳар қандай ҳолатни билдиради. Бизнес-ҳамкорлар иш муносабатларига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар низоларига йўл қўймаслиги лозим.

**Ақлий мулк**

Бизнес-ҳамкорлар ақлий мулк ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар томонидан техник имконият ва ечимларни топшириш тартиби ақлий мулк ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлаши лозим.

**Пул маблағларини ювиш**

Бизнес-ҳамкорлар пул маблағларини ювишнинг ҳар қандай шаклларига қарши кескин курашиши, ва Бизнес-ҳамкорлар амалга оширадиган молиявий транзакциялардан учинчи шахслар пул маблағларини ювиш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик учун чораларни кўриши шарт.

**Оғзаки шаклдаги шартномаларни тақиқлаш**

Unitel Бизнес-ҳамкорлар билан оғзаки шаклда шартномаларни тузишни тақиқлайди. Unitel га қарата хизматларни ва товарларни етказиб бериш таклифининг барча шартлари шартномавий мажбуриятлар бажарилиши бошланишидан аввал келишиб олинishi шарт ва ёзма шаклда белгиланиши лозим.

**Халқаро савдо ва иқтисодий санкциялар**

Бизнес-ҳамкорлар халқаро савдо (шу жумладан импорт ва экспорт/реэкспорт назорати чоралари) ва иқтисодий санкциялар соҳасидаги қўлланадиган қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар, уларга нисбатан қўлланадиган қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар битимларнинг амалга оширилишини тақиқлайдиган бундай томонлар билан, ёки бундай юрисдикцияларда ишларни юритмаслик мажбуриятини зиммасига олади.

**Инсон ҳуқуқлари**

Бизнес-ҳамкорлар БМТ томонидан қабул қилинган Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси билан белгиланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишларига кўмаклашишга йўл қўймаслиги шарт, ва доимо ҳар бир инсоннинг шахсий кадр-қийматини, шахсий маълумотлари ва ҳуқуқларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар ходимлар билан номақбул муомала қилишнинг ҳар қандай шаклларига, шу жумладан, бошқалардан ташқари, маънавий тазъийқ, жисмоний куч ишлатиш, имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши, қуллик ва жинсий жиҳатдан талаб қўйиш кабиларга мурасасиз бўлиши шарт.

**Мажбурий меҳнат**

Бизнес-ҳамкорлар мажбурий меҳнат, қарз туфайли қуллик, ихтиёрсиз ёки мажбурловчи меҳнатнинг бирор-бир шаклиридан фойдаланмаслиги лозим. Бизнес-ҳамкорлар ишчилардан давлат томонидан берилган идентификация воситалари, паспорт ёки ишлаш учун рухсатномаларини ишга жойлашишнинг шarti сифатида топширишни талаб қилиши мумкин эмас. Бизнес-ҳамкорлар ва уларнинг ишчилари орасидаги меҳнат муносабатлари ихтиёрий бўлиши керак, ва қўрқитиш, таҳдид ёки мажбурлашга асосланмаслиги лозим.

**Болалар меҳнати**

Бизнес-ҳамкорлар болалар меҳнатида фойдаланмаслиги керак. Агар қўлланадиган қонунчилик билан минимал йўл қўйиладиган ишга жойлашиш ёши белгиланмаган бўлса, «бола» 15 ёшга етмаган ҳар қандай шахсни билдиради. Минимал ишга жойлашиш ёши Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) бир неча конвенцияларида кўрсатилган.

**Муносабатларнинг очиқлиги ва ҳалоллиги**

Бизнес-ҳамкорлар ишчилар ва рағбарият ўртасида очиқ ва ҳалол муносабатларни тутиб туриши шарт, уларда қасос, ўч олиш, таҳдид ёки талаб қўйишдан қўрқиш бўлмаслиги керак, ҳамда қонун доирасида мумкин қадар ишчиларнинг бирлашиш эркинлиги ҳуқуқини тан олиши лозим.

**Таҳқирлашга йўл қўймаслик**

Бизнес-ҳамкорлар ишчиларга ортиқча талаб қўйиш ва ноқонуний таҳқирланишига йўл қўймаслик мажбуриятини зиммасига олади. Бизнес-ҳамкорлар ишга ёллаш пайтида ёки меҳнат муносабатлари жараёнида, масалан, лавозимида кўтарилиш, мукофотлаш ва таълим олиш имконияга эга бўлиш муносабати билан, қонун томонидан ҳимояланадиган бирор-бир тоифага мансублиги бўйича, ёхуд ёшига, ирқига, териси рангига, этник мансублиги, туб миллати вакили мақомига, жинсига, гендер тегишлилигига ёки гендер ўзини ифодалашига, жинсий йўналишига, ногиронлигига, ҳомиладорлигига, соғлиғи ҳолатига, диний эътиқодига, ижтмоий келиб чиқишига ёки мақомига, сиёсий тарафдорлигига кўра, соҳавий уюшмаларда ёки касабани уюшмаларида иштирок этишига, оилавий мақомига ёки фахрий, нафақахўр мақомига кўра таҳқирлашга йўл қўймаслиги шарт.

**Меҳнат муносабатларининг шартлари**

Бизнес-ҳамкорларнинг ишчилари билан меҳнат муносабатлари шартларини белгиладиган меҳнат шартномалари тузилади. Маҳаллий қонунчилик талабларини ҳисобга олиб, шартнома, камида, расмий минимал иш ҳақи миқдорида мувофиқ адолатли иш ҳақини кўзда тутиши, ва қўлландиган қонунлар билан белгиланган иш вақтининг максимал давомийлигига мос келиши лозим. Бундан ташқари, ишчиларга тегишли ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уларнинг инсоний қадр-қийматини тан олиш шарт. Жисмоний, психологик тазъийқ ўтказишнинг ҳар қандай шакллари, оғзаки ҳақоратлар, таҳдидлар ва бошқа қўрқитиш шакллари қатъий тақиқланади.

**Соғлиқни ва меҳнатни муҳофаза қилиш**

Халқаро стандартлар, миллий қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Бизнес-ҳамкорлар соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиши шарт. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги юзасидан мажбуриятлар Бизнес-ҳамкор назоратидаги барча шахсларга, шу жумладан Бизнес-ҳамкорнинг хоналарида ишлайдиган ишчилар ва пудратчиларга тааллуқли бўлади. Unitel хоналарида ёки Unitel манфаатларида бажариладиган ишлар бўйича юзага келган барча ўлим билан тугаган воқеалар ва оғир жароҳатли воқеалар, ҳисоботда акс эттирилиши шарт.

**Аварияли ва фавқулодда вазиятларга тайёрлик**

Бизнес-ҳамкорлар аварияли вазиятларда, ишчиларнинг соғлиғи юзасидан муаммолар пайдо бўлганда ва прогноз қилинадиган фавқулодда вазиятларда ҳаракатларга тайёргарлик тизимлари ва амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимларига эга бўлиши шарт. Бизнес-ҳамкорлар шунингдек аввалги аварияли ва фавқулодда вазиятларни ҳам қайд этади, тергов қилади ва ўз ишида ҳисобга олади.

**Санитария-гигиеник таъминоти**

Бизнес-ҳамкорлар ходимларни маиший қулайликлар билан таъминлаши, жумладан, зарур бўлганда, ходимларни гигиена, хавфсизлик талабларига ва ходимларнинг асосий эҳтиёжларига мос келадиган уй-жой билан таъминлаши шарт.

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишнинг олдини олиш**

Бизнес-ҳамкорлар қўлландиган атроф муҳитни муҳофаза қилиш стандартлигига мувофиқ ҳаракат қилиши, ва мабита муҳофазаси соҳасида қўлландиган қонунларга риоя қилиши, ишда тегишлича

масъулиятни намоён қилиши шарт. Камроқ ривожланган ёки тегишлича қўлланмайдиган қонунчилиги бўлган давлатларда, Бизнес-ҳамкорлар атроф муҳит ифлосланишини минималлаштиришга интилиши шарт. Экологик ёки ижтимоий вазиятни яхшилайдиган маҳсулотлар ва хизматлардаги инновацион ўзгаришларни, шунингдек экологик тоза технологиялардан фойдаланишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Бизнес-ҳамкорлар инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, табиат ва атроф муҳит учун нохуш оқибатларга олиб келадиган иш йўналишларида вазиятни тузатиш учун чораларни кўриши шарт.

### **Минерал хом ашё манбаларини танлашга масъул ёндашув**

Бизнес-ҳамкорлар ўз маҳсулотида уларнинг қазиб олинishi инсон ҳуқуқлари бузилишига дахлдор қуролли гуруҳлар томонидан бевосита ёки билвосита молиялаштириладиган хом ашё турларидан фойдаланишни истисно этиш учун оқилона чораларни кўриши шарт.

### **Ҳисоб юритишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги**

Бизнес-ҳамкорлар ҳисоб юритиш маълумотларини қалбакилаштиришга йўл қўймаслиги, шунингдек ишлаш шароитлари ва усуллари ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатишга йўл қўймаслиги шарт.

### **Ушбу Кодексга риоя қилиш юзасидан Комплаенс-дастур**

Бизнес-ҳамкорлар, агар бундай тизим Бизнес-ҳамкорнинг мавжуд тузилмасида ҳали тузилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг мавзулари ва муаммоларига оид дастурни ёки тизимни яратишга интилиши шарт. Бундай дастур ёки тизим ушбу Кодексга риоя қилишни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Унинг мақсади ушбу Кодекс билан боғлиқ бўлган операцион таваккалчиликларни камайтириш бўлиши лозим. Бундай дастур ёки тизимнинг асосида ўзлуксиз такомиллаштириш тамойили бўлиши шарт.

### **Бузилишлар тўғрисида хабарлар**

Бизнес-ҳамкорлардан ушбу Кодекснинг эҳтимолий ёки маълум бўлган бузилишлари ҳақида зудлик билан билдириш талаб этилади. Агар сизда ушбу Кодекс юзасидан бирор-бир саволлар бўлса, ёки сиз, уни кимдир, эҳтимол, бузган бўлиши мумкин деб ҳисобласангиз, илтимос, [compliance@veon.com](mailto:compliance@veon.com) ва [compliance@beeline.uz](mailto:compliance@beeline.uz) манзиллари бўйича Этика ва комплаенс Хизматига ёки қуйидаги веб-сайтда кўрсатилган: <https://beeline.uz/uz/about/compliance> доимий линия манзилига мурожаат қилинг. Бунга муқобил равишда, [www.veon.com/speakup](http://www.veon.com/speakup) манзили бўйича савол бериш ёки муаммо ҳақида билдириш мумкин. Барча хабарлар тегишли тарзда кўриб чиқилади, зарур бўлганда тергов ўтказилади. Unitel муаммо ҳақида билдириб тўғри йўл тутишга ҳаракат қилган ҳар қандай шахсга нисбатан қасос ёки ўч олишни ноқонуний ва номақбул деб ҳисоблайди. Эҳтимолий ноқонуний ҳаракатлар тўғрисида хабар берган, ва кейинчалик муаммо ҳақида хабар бериш туфайли ўч олиш ёки унга қарши қаратилган бошқа ҳаракатларга дуч келган шахс юқорида кўрсатилган каналлар бўйлаб бу ҳақда зудлик билан билдириши лозим.

### **Барқарор ривожланиш тўғрисида йиллик ҳисобот**

VEON ўзининг барқарор ривожланиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботларида ушбу Кодекс жорий этилишининг бориши ҳақида маълумотларни эълон қилиш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Бундай ҳисоботларда, бошқача ҳолат тўғрисида аввалдан келишувга эришилмаган ҳолда, Бизнес-ҳамкорларни идентификациялаш имкониятини истисно этиш мақсадида, алоҳида Бизнес-ҳамкорлар кўрсатилмайди, муайян вазиятларни кўриб чиқиш давомида аниқ шахслар кўрсатилмайди.